

# TOSHKENT HAQIQATI

2023-yil  
24-iyun  
SHANBA  
№ 46 (13605)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline\_24

Haqiqat online

haqiqatonline\_



QR-kod

## ЗАНГИОТАЛИК МИРИШКОРЛАРДАН БАРАКАЛИ ХИРМОН

Фалла-2023



Айни кунларда вилоятимиз далаларида фалла ўрми авжида. Қайси туман далаларига борманг, фаллазорларда шитоб билан ҳаракатланаётган комбайнлар олтин бошоқларни ўриб-янчиб олаётгани устидан чиқасиз.



Зангиота тумани фаллакорлари вилоятимизда биринчилардан бўлиб давлатга фалла топшириш режасини ортиғи билан бажаришди.

Бу йилги мавсум нихоятда мураккаб ва синовли келишига қарамастан туман миришкорлари жорий йил учун 600 гектар майдонда мўл ҳосил етиштиришди.

Фаллакорлар 11 иш кунда далалардан 1 минг 670 тонна сара дон ўриб олиб, шартномавий режани 102 фоизга бажаришди. Бунинг учун 3 та комбайн кунлик 65-70 тоннадан фалла ўриб олди, ҳосилдорлик эса ўртача 70-75 центнерга етказилди.

Бундай маррани забт этишда "Agro Veer" ва "Nurli Diyor Agro" масъулияти чекланган жамияти фаллакорлари катта ҳисса қўшишди.

Ҳали далаларда ҳосил мўл. Ўрим-йиғим эса жадал давом этмоқда.

Ҳозирда барча фермер хўжаликларига фалладан бўшаган майдонлар сомондан тозаланиб, такрорий экин экиш учун тайёрланыпти.

Тошкент вилояти ҳокимлиги  
Ахборот хизмати



## Бухоронинг Жўрабеги

Дала меҳнаткашлари, деҳқонлар учун йилда икки кун борки, унинг қувончи ва ҳаяжони ўзгача. Бири – ерга уруғ қадалган кун бўлса, яна бири – йил бўйи қилинган машаққатли меҳнат маҳсули – хирмон кўтарилган палла.

Жўрабек Шодиев асли Бухоронинг Шофирконидан. Мана, 5 йилдирки, Юқори Чирчиқ туманида фермерлик билан шуғулланиб келмоқда. Муболагасиз, Жўрабек ака асос солган "Yassaviy Field" МЧЖ нафақат туманда, балки вилоятда ҳам пешқадамлардан.

Жорий йилда жамоага қарашли 650 гектар майдонда бугдойнинг "Vassa", "Vexa", "Aleksyevich" навлари етиштирилди. 632 гектарда эса "С 65-24" навли ғўза экинлари баравж ривожланмоқда. Суви тежаш мақсадида 52 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш тизими йўлга қўйилган. Хўжаликда 74 нафар доимий, 120 нафар мавсумий ишчилар бор. Улар 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Иш унумдорлигини ошириш мақсадида ишчилар уйга ва ишга тез ва хавфсиз бориб келишлари учун автобус хизмати йўлга қўйилган.

3



Яхши хабар

## Мактаб ва боғчалар қурилиши учун маблағ ажратилди

Тошкент вилояти ҳудудда ижтимоий соҳа объектларида амалга оширилаётган қуриш-таъмирлаш ва реконструкция ишлари учун маблағлар йўналтирилди. Бу ҳақда вилоят ҳокими Зойир Мирзаевнинг фармойиши эълон қилинди.

Унга кўра, вилоят маҳаллий бюджетининг 2023 йил 1-чорак якуни билан иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан "Ягона буюртмачи хизмати" инженеринг компаниясига 7 миллиард 1 миллион сўм ажратилди.

Мазкур маблағлар Бекобод, Паркент,

Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Чиноз, Тошкент, Пискент, Зангиота туманлари ҳамда Янгийўл шаҳридаги 15 та объектни, яъни мактабга таълим ва умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш ва қўшимча бино, спорт зали қуриш учун сарф этилади.

## Кун Тасвири



**ВИЛОЯТДА**  
50 мингга яқин диспансер назоратида турган ҳамда ногиронлиги бўлган болалар соғломлаштирилмоқда.

**ВИЛОЯТ**  
Ободонлаштириш бош бошқармаси ходимларига 10 та электромотоцикл топширилди.

**ВИЛОЯТИМИЗ**  
маҳаллаларида "Кексалар маслаҳати" гуруҳлари тузилмоқда.

**ПИСКЕНТДА** фалладан бўшаган ер майдонлари эҳтиёжманд оилаларга бўлиб берилмоқда.



## Шукуҳ ҲАЙИТ – МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАРАННУМИ

Аллоҳ таолога беадаб шукрлар бўлсин, мамлакатимизда сунғи йилларда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган улкан ислохотлар, хайрли ишлар барча мўмин-мусулмонларни мамнун этмоқда. Янгидан қурилаётган, обод бўлаётган масжидлар киши баҳри дилини очди, кўнгилларга сурур бағишлайди.

Ҳайит фақат байрамгина эмас, балки минг йиллар давомида шаклланган қадриятларимиз тараннуми ҳамдир. Чунки бу байрамда халқимиз ўзаро меҳр-оқибат, хайру саховат тadbирларини уюштиради. Кўнгли ўқсик, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинади.

**БҮКА** тумани сув таъминоти қорхонаси ходимлари томонидан "Қулди-роқ" МФЙ "Бўдал" қишлоғига ичимлик суви тармоқлари тортилиб, аҳолига тоза ичимлик суви етказиб берилди.



3

4

**Хуқуқлар ва имкониятлар тенглигига эришиш ҳар бир жамиятнинг асосий мақсадиридир.** Мазкур ижтимоий мезон тарихий анъаналар, одатлар ва қадриятлар замирида вужудга келган тамойиллар мажмуасига асосланган ҳолда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қонунда белгиланган тартибда ҳуқуқларни амалга ошириш ва шу йўл орқали жамиятда ўз ўрнига эга бўлганлик ҳиссини янада орттиради.



## ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН

### БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ –

Халқ демократик партиядан Президентликка номзод  
Улуғбек Инояттов дастуридаги устувор мақсад



Ушбу мезонлар устувор бўлган ҳар қандай давлат ва жамият ҳамма даврда ҳам барқарор ривожланган. Ўзбекистон Халқ демократик партиядан Президентликка номзод Улуғбек Инояттовнинг дастуридаги асосий ғоя ва ташаббуслар мана шу тамойилга асослангани билан аҳамиятлидир.

#### БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ИЖТИМОЙ ФАРОВОНЛИК

Номзод дастурининг 5-йўналиши "Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти – барқарор тараққиёт ва ижтимоий фаровонлик асоси" деб номлангани бежиз эмас.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партиядан Президентликка номзод ҳам иқтисодий ривожланишнинг ижтимоийликка йўналтирилган моделини барқарор тараққиёт ва халқ фаровонлигининг асоси, деб билади. Зеро, партиядан дастурий мақсад ва вазифалари негизда айнан шу тамойил мужассамдир.

Биз жамият ва давлатнинг асосий мақсади қаторида **тенгсизлик ва камбағалликни бартараф этиш**, ушбу ҳолатларни олдини олиш ҳамда бу борада кечиктириб бўлмас чора-тадбирлар ишлаб чиқишни кўрамиз.

Бу борада олиб борилган тадқиқотлар натижаси ҳамда олинган хулосаларга кўра, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шундай тизим-қи, у бир томондан эркин бозорнинг ўзини ўзи тартибга солиш тамойилларига асосланса, **иккинчи томондан** хусусий тадбиркорлик ва нодавлат секторнинг ижтимоий барқарорликка хизмат қилишини таъминлайди. Бозор иқтисодиётининг бу шаклида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг қайта тақсимлашда давлат муҳим роль ўйнайди.

#### ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОЙ МАСЪУЛИЯТИ

Мавжуд анъанавий иқтисодий муносабатларда бизнеснинг ижтимоий масъулияти белгиланиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан амалга оширилади. 2020 йилдаги глобал пандемия, унинг ортидан геосиёсий майдондаги зиддиятлар тўғрисида пайдо бўлган инқироз шароитида жуда кўплаб давлатлар учун соғлиқни сақлаш тизimini кўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш энг устувор йўналишларга айланди. Бу ўз-ўзидан инсон омили билан боғлиқ ҳолатлар инobatта олинган ҳолда эркин бозор иқтисодиётига хос жараёнларни қайсидир даражада жиповлаб, тенгсизликни, камбағаллик хавфини юмшатиш масаласини кун тартибига олиб чиқди.

Улуғбек Инояттовнинг сайловолди дастурида илгари сурилаган ташаббуслардан бири **"Иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий самардорлиги – муҳим"** эканлигидадир.

Номзод дастурида бозор иқтисодиётининг самарали амал қилиши учун етарли **иқтисодий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш**, рақобатни ҳимоя қилиш баробарида инфляция ва ишсизликни камайтириш **давлатнинг муҳим вазифаси** бўлиши кераклиги илгари сурилмоқда.

Дастурда иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий самардорлигини таъминлаш учун **11 банддан иборат устувор вазифалар** келтирилган. Хусусан, номзод иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ва иштироки сақлаб қолиниши кераклигига эътибор беради. Чунки жамиятимизда бозор муносабатларини тартибга солиш ва ижтимоий тенгликни таъминлаш жараёни давлат иштирокисиз бўлмаслиги кундай равшан.

#### ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ҒОЯСИ

Номзод дастуридаги **ташабусларнинг замирида ижтимоий тенглик ғояси** ётади. Дейлик, қимматбаҳо мол-мулк учун солиқ жорий этиш, бунда миқдори қонун билан белгилангандан юқори уй-жой, автотранспорт ёки бошқа мол-мулк мулкдорларидан ушбу солиқнинг ундирилишини назарда тутиш масаласи моҳияти ва аҳамиятига кўра бугунги кунда долзарбдир. Агар солиқлар ижтимоий ҳимоя мақсадида хизмат қилишини назарда тутсақ, қимматбаҳо мол-мулк учун солиқ тўлаш ҳам инсонийлик, ҳам анъанавий қарашларимизга, қадриятларимизга мос ҳамда мувофиқлигини англаймиз. Мазкур тажриба бугунги кунда дунёнинг қатор давлатларида самарали натижа-

ларни кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, бугун Интернет ва ижтимоий тармоқлар тижорий фаолият ҳамда реклама майдонига ҳам айланиб бормоқда. Қўлимиздаги митти қурилма орқали глобал тармоққа улансак, ғўёки онлайн дўконлару онлайн хизмат кўрсатиш турлари кун эмас, соат сайин кўпайиб бораётгандек туюлади. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тижорий фаолият билан, реклама билан шуғулланиб, **ўртача ойлик номинал иш ҳақидан юқори фойда қўраётганлардан** барча соҳа ишчи-хотимлари қаторида даромад солигини ундириш масаласида аниқ механизмлар жорий этиш ҳам муҳимдир.

#### КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ УЧУН КУЧЛИ БЮДЖЕТ

Маълумки, мамлакатда **ижтимоий масалаларни самарали ҳал қилиш бутун дунёда асосан Давлат бюджетидаромадлари билан боғлиқ**. Шунинг учун мамлакатимизда бюджет тушулмларини ошириш масаласи долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Ҳозирда жарима, давлат божи, йиғим, бошқа мажбурий ундирувларнинг маълум қисми Давлат бюджетига эмас, турли вазирлик ва идораларнинг жамғармалари ҳисобига тушмоқда. Бу ҳолат ўз-ўзидан бюджет даромадлари янада ошиб боришига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Президентликка номзод ўз сайловолди дастури орқали айни вақтда бюджетдан ташқари жамғармалардаги маблағларнинг қанчалик **ижтимоий самарали ишлатилаётгани устидан доимий парламент назоратини ўрнатиш** имконияти ҳам етарли эмас, деб ҳисоблайди.

Шу сабабли номзод дастуридаги ундирилган барча тўловларни (жарима, давлат божи, йиғим, бошқа мажбурий ундирувлар) Давлат бюджетига йўналтириш тартибини жорий этиш тақлифи жуда муҳимдир.

#### ДАВЛАТ – АСОСИЙ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ

Номзод ўзининг сайловолди дастуридаги **давлатнинг асосий тартибга солувчилик ролини кучайтириш** ғояси конституциявий қонлар асосида ишлаб чиқилганлигини эътироф этиш лозим.

**Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда давлатнинг асосий тартибга солувчилик роли бугунги кунда муҳим**. Бирок, эркин бозор муносабатлари тарафдорлари инвестиция муҳитини яхшилаш, иқтисодий фаолиятга эркинлик бериш, валюта ва нарх сиёсатини янада эркинлаштириш, хусусийлаштириш ва иқтисодиётда давлатнинг ролини қисқартириш афзалликларини назарий-амалий жиҳатдан асослашга киришадилар. Худдики, давлатнинг бозор муносабатларига аралашуви айрим ҳолларда қонундан оғиш, монополия ва коррупцияга йўл очиб каби иллатларни юзага келтиришини иддао қиладилар.

Халқ демократик партиясига эса бундан фарқли равишда иқтисодиётни либераллаштириш ва эркин бозор муносабатлари ҳар доим ҳам жамиятнинг ижтимоий ривожлантириш мақсадида эришиш кафолатини бермайди, деб ҳисоблайди. Чунки эркин бозор қонунлари кези келганда инсонларнинг асосий тамойилларидан четга чиқиб, ижтимоий тафовутлар ҳамда тенгсизликнинг чуқур илдиз отишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса ижтимоий барқарорлик сари интилган жамият учун хос эмас. Қолаверса, самарали бошқарувга эга **давлатнинг асосий тартибга солувчилик роли бозор муносабатларини рағбатлантириб, ижтимоий-иқтисодий самара келтиради**.

Номзод дастурида давлатнинг иқтисодиётни тартибга солувчилик ролини кучайтириш учун бир **қатор ишчи ташабуслар** ўрин олган. Худудларнинг барқарор ривожланиши учун **давлат даромадларини тенг ва адолатли тақсимлаш**, умумхалқ аҳамиятига эга **иқтисодиёт тармоқларининг бошқарувида давлат иштирокини мустаҳкамлаш**, давлат улushi бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналари **кузатув кенгашлари таркибига жамоатчилик вакилларини киритиш** орқали улар ишидаги шаффофликни ошириш каби муҳим тақлифлар жумласидандир.

Тўлқин ТўРАХОНОВ,  
ЎзХДП Марказий Кенгаши  
раиси ўринбосари

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСОСИЙ УСТУНИ – БИЛИМ, ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ БЎЛАДИ!

Шу кунларда 9 июлда муддатидан илгари бўлиб ўтadиган Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловларида О'zLiDePдан кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилоятидаги ишончли вакили Сайёра Файзиеванинг сайловолди ташвиқот тадбирлари қизғин суратда давом этмоқда.



Ишончли вакил бу гал Тошкент давлат аграр университетининг катта йиғинлар залида талаба-ёшлар ҳамда профессор-ўқитувчилардан иборат сайловчилар билан учрашди.

Учрашувда ишончли вакил Сайёра Файзиева томонидан қайд этилганидек, бугун Ўзбекистонда ёшлар масаласида давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда ёшларни қўллаб-қувват-

касиб-хунарли бўлиши, жамият ва давлат ҳаётида ўз муносиб ўрнини эгаллаши масаласига жиддий эътибор қаратган.

Дастурга кўра, Янги Ўзбекистоннинг асосий устунлиги – **билим, таълим ва тарбия** бўлиши учун зарур шароитларни яратиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлади.

**Олий таълим ва илм-фан тизимлари** илғор хорижий тажриба асосида ривожлантирилади. Дунёдаги "Топ-500"га кириданган чет эл олийгоҳлари билан ҳамкорликда камида **50 та** қўшма ўқув дастури ва "икки дипломли тизим"ни жорий этиш асосий вазифа бўлади.

**Биотехнология, сунъий интеллект ва бошқа юқори технологик йўналишларда истеъдодли ёшларни** энг нуфузли хорижий олийгоҳларга давлат ҳисобидан **ўқшга юбориш бўйича 200 миллион долларлик дастурлар** амалга оширилади.

Келгуси етти йилда **илм-фан ва инновацияларни** ривожлантиришга **1 миллиард доллар** ажратилиши учун молиявий имкониятлар янада кенгайтирилади.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган сиёсат изчил давом эттирилиб, бу борада ҳам ёшларга ғамхўрлик қилиниб, 3 миллион нафар ёшларни меҳнат қобилиятини ишга солиш орқали камбағалликдан чиқариш асосий вазифа бўлиб қолади.

Учрашувда сўзга чиққан "Шуҳрат" медали соҳибаси Дилноза Усмонова, университетнинг таянч докторант-



лаш бўйича ишлар янги босқичга кўтарилди.

Хусусан, ёшлар ишлари билан шуғулланадиган алоҳида агентлик, Ёшлар академияси ва Олий Мажлис палаталари ҳузурида "Ёшлар парламенти" ташкил этилди, худудларда "Лойиҳалар фабрикаси" иш бошлади.

Бундан ташқари, йигит-қизларга сифатли таълим бериш, касб-хунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур йўналишдаги ишларни маҳаллада ташкил этиш бўйича вертикал бошқарув тизими яратилди. 9 500 та маҳаллага фидойи ва ташаббускор ёшлар етакчилари тайинланди. Бу тизим орқали ёшларга 100 дан ортиқ имкониятлар яратилди, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш самарали йўлга қўйилди.

Эътиборлиси шундаки, Юртбошимиз мазкур харажатларни харажат эмас, балки келажак учун қўйилган энг самарали сармоя деб ҳисоблаб, таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омил эканини таъкидламоқда.

Яна бир қувонарли жиҳат, янги таҳрирдаги Бош қомусимизда оила, болалар ва ёшлар учун алоҳида боб ажратилди. Давлат ёшларда қадриятларимизга содиқлик, ватанпарварлик туйғуларини шаклланишига ғамхўрлик қилиши белгиланди.

Шунингдек, ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш – давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритилди. Давлат шу орқали ўз зиммасига муҳим мажбуриятларни олмақдаки, мазкур нормалар, нафақат ёшлар манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келгуси тақдири учун муҳимдир.

Партия номзоди Шавкат Мирзиёев ҳам ўзининг сайловолди дастурида ёшлар, уларнинг таълим олиши,

лари ўртасида "Қишлоқ хўжалиги" йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳибси Сардор Хайруллаев, "Беруний" номидаги давлат стипендияси соҳибаси Мумтозбегим Очилова, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Чарос Анварбекова, Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳибси Улуғбек Эргашев, иқтидорли талаба Руфат Зайнулин, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги стипендияси соҳибси Дилшод Исмоилов, университет Ёшлар етакчиси Сардорбек Исроиловлар ўзларининг илм-фан ва инновациялар соҳасида қўлга киритган ютуқларининг замирида Шавкат Мирзиёевнинг оталарча ғамхўрлиги ётганини таъкидлашди.

Мамлакатда ёшларга қаратилаётган эътибор катта марралар забт этилишига сабаб бўлиб, уларга ҳаётда ўз мустақам ўринларини эгаллашларида қанот бўлаётганини қайд этишди. Янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсатидаги туб ислохотларнинг бардавом бўлишини исташларини билдиришди. Ўз тенгдошларини партия томонидан кўрсатилган ёшларнинг чинакам ҳомийси, мададкори бўлган, бу йўналишда кўплаб ислохотлар ташаббускори Шавкат Мирзиёевни қўллаб-қувватлаб овоз беришга чорлашди.

Ёшларнинг шижоати ва жўшқин кайфияти билан юқори кўтаринкиликда ўтган учрашув сўнгида ишончли вакил Сайёра Файзиева йиғилганларни ёшлар таълим-тарбияси ва келажакка бефарқ бўлмаган, мамлакат ёшларининг эртасига дахлдорлик хисси билан ёндашадиган энг муносиб номзод Шавкат Мирзиёевга овоз беришга даъват этди.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,  
О'zLiDeP Тошкент вилоят Кенгаши  
бўлим муdiri

**Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Халқ демократик партиясидан номзод Улуғбек Инояттовни қўллаб-қувватланг!**

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Мирзиёевга овоз беринг!**

БОШ МАҚСАД – САЙЛОВНИ ТЎҒРИ ВА АДОЛАТЛИ ЎТКАЗИШ

Бу жараёнда гендер тенглиги масаласига алоҳида аҳамият берилди. Оқруғ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида барча участка сайлов комиссияларининг жами 10 минг 281 нафар аъзолари тасдиқлаб олинди. Комиссия аъзоларининг тарихи куйидагича тақсимланди: олий маълумотлилар – 66 фоиз; сайловни ўтказишда иш тажрибасига эга бўлганлар – 79 фоиз; хотин-қизлар – 52 фоиз; 30 ёшгача бўлган ёшлар – 16 фоиз; ногиронлиги бўлган шахслар – 1 фоиз ёки 134 нафар.

Сайлов кодексининг 24-моддасига кўра, участка сайлов комиссияси участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади, овоз берувчиларни уларнинг рўйхати билан таништиради, аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади, бинонинг яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари ва сайлов кутилари, шунингдек, бошқа жиҳозлар билан тайёрлаб қўйишнинг таъминлайди. Шунингдек, сайлов куни участкада овоз беришни ташкил этади ва овозларни санаб чиқади ҳамда сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг мувожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Бундан кўра, сайлов жараёнида сайлов комиссиялари ўта муҳим урин тутатади.

Энг муҳими, яқинлашиб келаётган муддатдан олдин овоз бериш жараёнига участка сайлов комиссияларининг тайёргарлиги қатъий назоратга олинган. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловни ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ участка биносининг жиҳозлангани ҳамда участка сайлов комиссияси аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва сайлов кунида ҳаракатлар кетма-кетлиги бўйича билимлари оқруғ томонидан ўрганилмоқда. Зарур ҳолларда услубий ёрдами кўрсатилмоқда.

Ишонимли, амалга оширилаётган тизимли саъй-ҳаракатлар туфайли олдимизда турган муҳим сиёсий жараён муваффақиятли ўтади. Бунинг учун бор имкониятимизни ишга соламыз.

Улуғбек ТЎХТАЕВ, 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси



Семинар

КОРРУПЦИОН ҲОЛАТЛАРГА БАҲАМ БЕРИЛМОҚДА

Вилоят Адлия бошқармасида вилоят ҳокимлиги томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси билан биргаликда мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олишга қаратилган ишлар ҳамда жорий йилнинг иккинчи ярим йиллигидаги устувор вазифалар тўғрисида семинар ташкил этилди.

Тадбирда 2023 йилнинг I чорагида қилинган ишлар, хато ва камчиликлар, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги ҳамда келгусидаги вазифалар муҳожама қилинди.

– Бугунги кунда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида аниқ чоралар кўрилиб, порахўрликка чек қўйиш бўйича ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий жиҳатдан ишлар олиб борилмоқда. – дейди Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси бошлиги Рустам Пайзиев. – Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, идораларнинг мансабдор шахслари томонидан жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан мувожаатлар, сўровлар ва бошқа жамоатчилик назорати натижалари тегишли ташкилотлар томонидан ўрганилиб борилмоқда.

Тадбир сўнигида вилоят ҳокимлиги, адлия, ДХХ, прокуратура, ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш департаменти билан биргаликда содир этилган коррупция ҳолатларининг аянчилик оқибатлари тўғрисида жаза муддатини ўтаётган маҳкумлар иштирокидаги “Нафс исканжасида” номли видеофильм намойиш этилди.

Ўткир БАҲРОН ўғли Жалолиддин ЭСОНОВ олган сурат

Бутун дунёда сув ресурслари чекланганлиги сабабли аҳоли бошига тўғри келадиган тириклик манбаи йилдан-йилга камайиб, унга бўлган эҳтиёж тобора ортмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалигида сув сарфи кескин ошмоқда. Шу сабабли сувнинг қадрига етиб, ундан оқилона фойдаланишимиз, соҳага инновацион технологияларни кечиктирмасдан, тезроқ татиб этиш лозим.

Агар дунё тажрибасига қарайдиган бўлсак ҳам қишлоқ хўжалигида сув тақчиллиги муаммосини сув тежовчи технологиялар орқали ҳал этиб келинмоқда. Масалан, томчилатиб суғориш соҳасида Исроил давлати етакчилик қилади. Ушбу мамлакатда 75-80 фоиз экин майдонлари томчилатиб суғорилади. Шунингдек, Хитойда 5 миллион, Ҳиндистонда 2 миллион гектардан зиёд майдонларга сув тежовчи ускуналар ўрнатилган. Америка ва Европанинг қатор давлатларида ҳам тежамкор суғориш усулига асосланган экин майдонлари ҳажми ортиб бормоқда.

Юртимизда ҳам бу тизим оммалашиб, сувдан оқилона фойдаланиш,



ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ҚУРҒОҚЧИЛ ҲУДУДЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШДА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

соҳага тежамкор технологияларни изчиллик билан жорий этиш устувор масалага айланди. Вилоятимизнинг Паркент туманида бу борада яхши натижалар қайд этилмоқда.

Хусусан, 2016 йилда туманда 6 миң гектардан ортиқ узумзор бўлган бўлса, ҳозирга келиб 12 миң гектарга етган. Умумий ҳисобда 600 гектар ер майдонига сув тежовчи технологиялар жорий этилган.

2019 йилда ташкил этилган “Agro star exho” МЧЖ кичик кластерига қарашли богда худди шундай тежамкор технологиялар ёрдамида бир-бирдан мазали, сархил мевалар етиштирилмоқда. Бог худудидаги томчилатиб суғориш ускунаси Исроил давлатидан келтирилган.

– Томчилатиб суғориш орқали аввало, тупроқда ўсимлик учун мақбул намликни ушлаб туришга эришилади, сувнинг қуёш ёки шамол таъсирида буғланишининг олди олинади, – дейди кластер агрономи Жўрабек Пулатов. – Шунингдек, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил бериши учун оптимал шароитлар яратилади. Яна бир

афзаллиги, тупроқда қатқалоқ пайдо бўлмайди ва ўсимликнинг ҳаво алмашишуви яхшиланади, культивация қилишга эҳтиёж бўлмайди. Минерал ўғитнинг суяқ ҳолатда бериш орқали ўғит 50 фо-



изгача иқтисод қилинади. Ўсимлик озуқа моддалар билан яхши тўйинади, томчилатиб суғоришда майдон эмас, етиштирилаётган экин суғорилади.

Мутахассиснинг таъкидлашича, томчилатиб суғоришда сув ўсимликнинг фақат илдижида боради ва ўсишини бошқариш имконияти яратилади. Бунда

экинлар ҳосилдорлигини ошириш кўрсаткичи 15-30 фоизга етади. Тупроқнинг табиий унумдорлигини тиклаш ва ошириш учун суғориш суви билан минерал ўғитлар, микроэлементлар ва қимёвий мелiorантларни дозаланган миқдорда солишга эришилади. Томчилатиб суғорилганда бошқа суғориш усулларига нисбатан экин ва тупроқ турига қараб, 20-80 фоиз сув тежалади, моддий ресурслар, қўл меҳнати, техника харажати камаюди.

Хулоса қилиб айтганда, томчилатиб суғориш тизимининг юқорида таъкидланган афзаллиқ жиҳатлари бор экан, бундан фойдаланиш нафақат вилоятимиз, балки мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун ҳам ғоят манфаатлидир. Бундан ташқари, дунё бўйича сув танқислиги ҳолати кузатилаётгани, ер шарида чучук сув захираси умумий сув миқдорининг атиги 3 фоизини ташкил этишини ҳисобга олсак, бу усул нақадар долзарб эканлигини кўрсатади.

Нозима РАСУЛОВА “Тошкент ҳақиқати” муҳбири

БУХОРОНИНГ ЖЎРАБЕГИ



– Етиштирилган ҳосилни ўз вақтида, нест-нобуд қилмасдан йиғиб олиш катта сафарбарликни талаб қилади, – дейди Жўрабек Шодиев. – Нега деганда, ўрим-йиғим кечиктирилса, ғалла бекорга исроф бўлиши, йил бўйи қилинган меҳнат чиппақка чиқиши ҳеч гапмас.

Аслида, деҳқон учун ҳеч бир йил осон бўлмайди. Жўрабек ака ҳам мақсадларига бошқа деҳқонлар каби доимо табиат инжиқликлари, ўзига хос синовлари билан кура-

дала заҳматкашлари каби Жўрабек Шодиевни ҳам оддон синовдан ўтказди. – Эндигина уруғ ердан униб, буй чўзган вақтда юз берган аномал совуқ биларни хавотирга солгани рост, – дейди хўжалик раҳбари. – Мана, кўпнинг ризиқи дея қилган ниятимиз ва меҳнатимиз ҳолис экан, шу кунлардан эсон-омон ўтиб, яхши ҳосил олишга эришдик.



шиб, машаққат чекиб етади. Қиш совуқ келиб, баҳорнинг камёғин бўлгани, кейинги йилларда кузатилаётган сув тақчиллиги барча

нархларига ўтилиб, ғаллачилик кластерлари ва фермерларга маҳсулотни бозор нарҳида тўлиқ эркин сотиш ҳуқуқи берилгани айтиш мумкин бўлди. Бу энг аввало, фермер хўжалиги, кооператив, унинг аъзолари моддий манфаатдорлигини оширмоқда.

Меҳнатга яраша рағбат инсонни янада самарали ишлашга ундайди. Ҳар бир ишчи мавсум якунида маошидан ташқари 1,5 тоннадан бугдой берилади. Улар ҳам бунга жавобан астойдил меҳнат қилиб, халқимиз дастурхони мўл бўлишига ўз ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қилишмоқда.


Жўрабек ака келгусидаги режалар ҳақида гапирар экан, нафақат Юқори Чирчиқда, балки қўшни туманларда ҳам талаб катталиги сабабли гўшт ва сутни қайта ишловчи корхона қуриш ниятида эканини айтди.

Эътиборлиси, айти пайтда ғалладан бўшаган майдонлар маҳаллалардаги махсус дафтарларга киритилган оилаларга, шунингдек, кам таъминланган, эҳтиёжманд хонадон аъзоларига тақдирини экин экиб олишлари учун беминнат ажратиб берилмоқда.

Ўткир ҲОШИМОВ, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар

ТОПИЛМА БЕКОБОДАГИ ЎҚ ЧИНГИЗХОН ДАВРИГА ОИД(МИ?)

Тошкент вилоятидан турли даврларга оид қадимий қурол-яроғ, турли аслаҳа ва камон ўқлари кўп топилган. Бекобод туманидаги “Боғшамол” маҳалласида истиқомат қилаётган Даврон Жўраев хонадонидидаги уй музейида ана шундай ўқлардан бир нечтаси сақланмоқда.



Ўзбекистон Фанлар академияси Миллий археология маркази эксперти Дилмурод Нормуродовнинг таъкидлашича, мазкур ўқ учлари Чингизхон даврига тўғри келади.

Гап шундаки, ўқларнинг бир қисми “асимметрик-ромбик” шаклда бўлиб, зарб тегадиган жойи ясси, камон ўқиға уландиган қисми эса бизгисимондир. Эътиборли жиҳати, ҳар бир найза ўқи уч қанотли бўлиб тўғнагичгача заҳарда турган. Турли ўлчамлардаги бу камон учлари буқилмайди.

Шунга ўхшаш қадимий аслаҳалар Пилқалъа ва Миздахонлардан ҳам топилган бўлиб, улар 13-14 асрларга оид ҳисобланади. Сибирда эса бу камон ўқининг учларига ўхшаш бўлган қуролдан фойдаланиш 2 миң йиллик тарихга, айниқса, Чингизхон ҳукмронлиги даврига тўғри келади.

Шарқий Европанинг ўрта аср кўчманчилари учун хос бундай ўқларни махсус ўрганган олим Г.А.Федоров-Давидов томонидан ишлаб чиқилган типология ва хронологик тасниф шуни кўрсатадики, ромбсимон, учи учбурчак шаклдаги ўқлар айниқса XIII-XIV асрларга хос хусусиятга эга бўлган.

Шундай қилиб, Бекобод туманидаги камон ўқлари XIII-XIV асрлар, яъни Чингизхоннинг Туронга юриши, унинг сулоласи ҳукмронлиги даврида кенг тарқалган. Улардан жанг ва ов қилиш пайтларида фойдаланилган.

Нигора ЭРКИНБОЕВА

“Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталари тахририяти жамоаси журналистика соҳасида кўплаб шоғирлар етиштирган моҳир педагог, устоз журналист, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети “Жамоатчилик билан алоқалар ва реклама” кафедраси профессори

Қудрат ЭРНАЗАРОВ

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Таҳлил ва танқид

Ҳаво ҳароратининг кескин ошиши кишида салқин ичимликка бўлган ташналикни оширади. Шу боис кўча-кўйда, катта йўл ёқаларида ана шундай яхна ичимликларга тез-тез кўзимиз тушади. Биз истеъмол қиладиган муздеккина айрону гўжалар, ўрик шарбати ва морслар, асосан, уй шароитида ёки шу жойининг ўзида қўлбола усулда тайёрланишини кўпчилигимиз яхши биламыз. Бироқ ҳеч биримиз уларнинг на сотув сертификати ва на сифат тарихини сўраймиз. Сақлаш ҳолати, яроқлилик муддати билан эса, асло қизиқмаймиз. Оқдигина туюлган мана шу безътиборлигимиз сабаб соғлемишимизни йўқотишимиз ҳеч гап эмас.

САЛҚИН ИЧИМЛИК САВДОСИ КИШИ БИЛМАС ҒАВҒОСИ

Айни шу мақсадда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати вилоят бошқармаси ҳамда худудий бўлими мутахассислари ҳамкорлигида вилоятимизнинг автомагистраль йўллари ва худудлардаги кўча савдосини тартибга солиш, марказий деҳқон бозорларининг санитария ҳолатини яхшилаш, аҳоли орасида овқатдан заҳарланиш ҳолатларининг келиб чиқишини олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ўтказилди.

– Вилоят худудидаги 247 та магистраль йўллар ёқасида жойлашган ошхона, сомсахона ва новвойхоналарда ўрганиш ишлари олиб борилди, – дейди Тошкент вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати вилоят бошқармаси овқатланиш гигиенаси бўлими бошлиғи Зафар Қорабоев. – Шулардан 197 тасида амалдаги санитария қондаларига жавоб бермаслик ҳолатлари аниқланди. Уларни бартараф этиш борасида тегишли чоралар кўрилди. Мутахассиснинг таъкидлаши-

ча, ўрганиш давомида йўл ёқасида жойлашган, санитария қондаларига мутлақо зид ҳолда сотилаётган озиқ-овқат (салқин ичимликлар ва бошқалар) маҳсулотлари гигиеник талабларга жавоб берадиган шароитга кўчириб ўтказилди. Айрим муддати ўтган ва яроқсиз ҳолга келган маҳсулотлар шу жойининг ўзида йўқ қилинди. Масалан, марказий деҳқон бозорларидаги маҳсулотлар, хусусан, 150 кг. миқдордаги “Анджон музқаймоғи”, 135 кг. гўшт маҳсулотлари брокераж қилиниб, белгиланган тартибда йўқ қилинди ва аҳоли орасида овқатдан заҳарланиш ҳолатларининг олди олинди. 7 нафар сотувчига нисбатан қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларга МЖТК 53-моддасига асосан маъмурий

баённомалар расмийлаштирилди. Шунингдек, аҳолига умумий овқатланиш ва савдо хизматиини кўрсатаяётган 645 нафар шахсга расман огоҳлантириш хати берилди. Ҳўш, бу каби чора-тадбирлар нечоғли самара беради? Шу билан муаммони тамомилан ҳал қила оламизми? Уйлашимизча, бундай вазиятларда ҳар биримиз ҳушёр бўлмоғимиз, санитария-гигиена талабларига зид равишда ўз маҳсулотини пуллаётганларга бунинг салбий оқибатларини тушунтирмоғимиз, сотувчидан сифатли хизматни талаб қилмоғимиз лозим. Шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Нигора ЎРОЛОВА, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири



# Ҳайит — миллий қадриятларимиз тараннуми

берган неъматларининг шуқрона-сини адо этиш ва нафсоний иллатлардан поклашиш ҳамда банданинг Яратувчиси амрига итоати ва тақвосини намоён этади.

Куръони каримда: «Аллоҳга (қурбонлик) гуштлири ҳам, қонлари ҳам етиб бормас. Лекин у Зотга сизлардан тақво етар. Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли — У зотни улуғлашларингиз учун — уларни сизларга буйсундириб қўйди. Эзгу иш қилувчиларга хушхабар беринг!» (Ҳаж сураси, 37-оят).

Шунингдек, ҳадиси шарифда: «Одамзот сўйиш кун қон чиқаришдан кўра Аллоҳга маҳбуброқ иш қилган эмас. Албатта, у (хайвон)лар қиёмат кун шохлари, жунлари ва тўқлари билан келурлар. Албатта, қон ерга тушишидан олдин Аллоҳнинг хузуридаги маконга етур. Уни чин кўнгилла чиқарингиз», дейилган (Имом Термизий ривояти).

Ҳайит ўз номи билан хурсандчиликдир. Ушбу байрамда ота-она ва фарзандларга совға улашиб, уларни қувонтириш, кекса ва бетобларни зиёрат қилиш, уларга ҳадя бериш динимиз тарғиб қилган амаллардан.

Айрим ҳудудларда ҳайит кунлари исрофгарчиликка сабаб бўладиган турли маросимлар ўтказиш одат тусига кирган. Бу шариятимизда йўқ. Яқинлари вафот этган хонадонлардаги, никоҳ тўйлари бўлган оилалардаги "янги ҳайит", "ҳайит йўқлови" каби маросимлар бидъатдир.

Ҳайит кунлари исрофгарчиликлар, хурсандчилик байрамими аза ва йиғи-сиғига айлантириш бизга ярашмайди. Бунинг ўрнига муҳтожларга, фақир-мискинларга, етим-есир, бева-бечораларга совғалар улашиш зарур.

Қурбон ҳайити — мусулмонларнинг шод-хуррамлик, меҳр-оқибат, хайр-саховат кўрсатиш, бир-бирлари билан дийдорлашув байрамидир. Уни шарият талаб-

ларига мувофиқ, йиғи-сиғисиз, хурсандчилик билан, хуш кайфиятда ўтказиш шарт.

Ҳайит кунлари қариндош-уруғларни, биродарларни зиёрат қилиш, бева-бечоралар ҳолидан хабар олишнинг ажри улуғ. Бирор сабабга кўра арашлаган, гина-қудуратли таниш-билишлар муборак кунларда бир-бирларини кечирсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз — ҳожилар Мадинаи мунавварада, Маккаи муқаррамада, Мино водийсида, Арафот тоғида ва бошқа муқаддас маконларда туриб, Аллоҳ таолодан юртимизни тинч, осмонимизни мусаффо, халқимиз турмушини бундан-да фаровон қилишини Яратгандан илтижо қилиб сўрамоқдамиз.

Аллоҳ таоло Қурбон ҳайитини барчамизга муборак қилсин!

**Жасурбек домла РАУПОВ,**  
Тошкент вилояти бош имом-хатиби  
Маккаи муқаррама



## "Суюққона" туюқлар

Девонаман! Ёқмасам гар қидир соғин,  
Ё бўлмас, мен соғинсам сен ҳам соғин.  
Чиксин ёрнға суйганинға лойиқ қақон,  
Ва сийринге боққанинға лойиқ соғин.

Савалади бирдан баҳор ёғини,  
Уйга чопдим ушлаб пахта ёғини.  
Дедим йўлим тўсғоч сурбет Нор пён:  
— Қоч! Шшада виномас, бу — ёғ, ини!

Спирт бердинг қошиқ-тарозинада

Пашша ҳатто кайф қилолмас

Эй дўхтур қиз, юракчанги кенг қил пича,  
Бунча хасис, бунча зикна,

Кўзларингдан тама сездим,

Бўғилдим мен бун пайқаб, чекиб

Асли бузган тарбиянни буйинг

Ғаҳи пинхон бериб ҳадя бизнесчи Т. амаки.

Қалб ўчоғу, бу қиз гўё ўтинчим,  
Қулоғига кирмағай ҳеч ўтинчим.  
Ясанурдим ёйса сочин майсадек,  
Хом хаёл бу... Қачон бўлмиш ўтин чим?

Ўлгидек мен яхши кўрдим... Аммо, у-чи?

Ҳатто тутқич бермағай ёр сочин учи.

Эллингиде чарчадим, қувдим ўтиниз йил,  
Уеол кетди ҳаётимнинг бешдан учи.

Анвар ОБИДЖОН,  
Ўзбекистон халқ шоири



## TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:  
**TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI**



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAQHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Shavkatjon RAHIMOV

Tohir ARIPOV

Ravshan RAIMOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona: (55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10

Mas'ul kotib: (55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Navbatchi muharrir:

Erali NORBEKOV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Nozima RASULOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 21.00

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-631.

7 271 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzillimiz:

111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili: Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

123456

## СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### Самбочиларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи

Россия Федерациясининг Қозон шаҳрида "Динамо" спорт жамиятининг 100 йиллигига бағишлаб, "Динамо спорт уйинлари" бўлиб ўтди.



Ушбу мусобақада миллий терма жамоамиз аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон "Динамо" Жисмоний тарбия-спорт жамиятининг самбочилари ҳам иштирок этишди.

Эътиборлиси, жаҳондаги 21 та терма жамоа вакиллари совринли ўринлар учун кураш олиб борган мазкур турнирда ҳамюртларимиз 11 та медаль (5 та олтин, 2 та кумуш, 4 та бронза)ни кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи бўлишди.

### Рақиб маълум!

Футзал бўйича Осиё кубоғи – 2024 мусобақасининг саралаш босқичига қўра ташланди. Маросим Куала Лумпурдаги ОФК қароргоҳида онлайн тарзда ўтказилди.



Куръа ташлаш маросимида жамоалар 8 та гуруҳга бўлинди.

Унга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси "G" гуруҳида ҳамда Камбоджа

терма жамоаларига қарши баҳс олиб боради.

Турнирнинг саралаш босқичи жорий йилнинг октябрь ойида ўтказилади. Ўзбекистон жойлашган гуруҳ учрашувларига юртимиз мезбонлик қилади.

Маълумот учун, гуруҳ ғолиблари ва энг яхши иккинчи ўринни эгаллаган еттита жамоа мусобақанинг финал босқичига йўл олади.

### Диёра Улан-Баторда совриндор бўлди



Мўғулистон пойтахти Улан Баторда дзюдо бўйича 44 та мамлакатнинг 350 нафарга яқин спортчилари иштирокида ўтказилаётган "Катта дубулга" турнирининг дастлабки беллашувлари ҳамюртларимиз учун муваффақиятли кечди.

Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Диёра Келдиёрова 52 килограмм оғирликда шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. Ушбу натижа Диёра учун жаҳон ва "Париж – 2024" Олимпиадаси рейтингини учун 500 очко жамғариш имконини тақдим этди.

Эслатиб ўтамиз, 25 июнга қадар давом этадиган мазкур турнирда 5 нафар дзюдочимиз совринли ўринлар учун кураш олиб бормоқда.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири Сухробжон САДИРОВ тайёрлади

### Дарвоқе

## "ЙЎҚ" ДЕЙИШНИ ЎРГАНИНГ...

Замонавий ҳаёт суръатининг тезлашиши, кундалик муаммолар, шахсларга муносабатлар, касбий фаолият ва ахборотнинг ҳаддан ташқари кўплиги инсон танаси ва руҳиятидаги таъсирчанликни ошириб юборди. Оқибатда, стрессга учраётганлар сони ошиб бормоқда.



Стресс юрак-қон томир тизими, ошқозон-ичак тракти, иммунитетнинг пасайиши, уйқусизлик, семириш ва бошқа касалликларни келтириб чиқаради.

Ҳаёт давомида стрессдан қочилишнинг иложи йўқ. Аммо имкон қадар уларни енгил ўтказиш мумкин. Ҳаммаси ўз қўлингизда. Бу борада сизга айрим тавсияларни тақдим этамиз:

Ҳар қандай вазиятда оптимист бўлинг;

Ўзингизнинг имкониятларингиз чегарасини белгилаб, "йўқ" дейишни ўрганинг. Жуда кўп вазифаларни, айниқса, бошқаларнинг муаммоларини елкангизга олаверманг;

Ҳаётдан завқ олишни ўрганинг;

Ўтган ишларга қўл силтанг. Қилмаган ишингиз ёки хатоларингизга сикилаверманг;

Тўғри овқатланиш, уйқу ва дам олишга риоя қилинг.

Саодат МИРЗАЛИЕВА  
Анғрен шахри

## ИССИҚНИНГ "СОВУҒИ" ЁМОН

Ёзнинг жазирама кунлари барчамиз салқин ва баҳаво жой излаймиз. Табиийки, бундай пайтда кондиционер ҳақиқий халоскорга айланади. Бироқ ундан мунтазам ва нотўғри фойдаланиш турли касалликларни келтириб чиқариши мумкин.

Иссиқ кунларда кондиционернинг салқин ҳаво оқими, айниқса, гўдаклар ва ёши катта кишиларга ижобий таъсир этади, — дейди тиббиёт фанлари номзоди Дурдона Алимова. — Сабаби уларда танани совитиш тизими мукамал бўлмайди. Бироқ бу қурилма тағида узоқ вақт ўтириш ҳар қандай инсон саломатлигида салбий ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Энг аввало, кондиционердан мунтазам фойдаланиш туфайли хонада намлик йўқолиб, ёпиқ дераза ва эшиклар шароитида ҳаво кислород билан тўйинмайди. Бу эса вақт ўтиши билан терининг қуруқлашишга ва юзда ажинлар пайдо бўлишига олиб келади. Қолаверса, терининг доимий қуруқлиги унинг ташқи қатلامига салбий таъсир этиб, қичишиш юзага келади.

Шунингдек, салқин хонадан иссиқ жойга чиқиш, яъни икки хил экстремал ҳарорат танада стресс реакцияларини келтириб чиқаради. Бу ўз навбатида юрак-қон томир тизими касалликларини кўзгаши мумкин.

Қолаверса, қон босими оdatда иссиқдан кўра, совуқ ҳавода юқори бўлади. Чунки, салқин ҳарорат қон томирларининг сикилиши ва спазмларга олиб келади. Шундай экан кондиционер тағида узоқ вақт ўтириш систолик ва диастолик қон босимини кўтаради. Шу

боисдан хона ҳарорати ташқи ҳаводан кескин фарқ қилмаслиги, яъни 5-7 даража паст бўлиши мақсадга мувофиқ.

Кондиционернинг яна бир салбий томони, у тана ҳароратини тушириб юборади. Оқибатда бронхит, томоқ, бел ва бўйин оғриқлари юзага келади. Айниқса, қуриманинг совуқ ҳавоси инсонга тўғри йўналтирилса, нафас йўллари ва мушаклар шамоллаши, ҳатто, зотилжам келиб чиқиши мумкин.

Шу боис ундан фойдаланганда энг паст ҳароратга қўймаслик (хонадон ва офисларда урнатиладиган кондиционерларда +18 ва +20 даража оралиғидаги ҳарорат энг қулай ҳисобланади) ва салқин ҳаво оқимининг хона бўйлаб бир текис тарқалишига эътибор қаратиш зарур.

Бундан ташқари, кондиционерларда нафас тизими инфекцияларини кўзгатувчи микроорганизмлар тўпланиб, бу ҳолат аллергик касаллиги бор инсонларга салбий таъсир этиши мумкин. Шу сабабли унинг тозалигига доимо эътибор қаратиш ва филтёрларни тез-тез тозалаб туриш лозим.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати

### Ёз таровати



Чиллада об-ҳаво баланд,  
Чорвоқда нарх-наво баланд

Аброр ЭСОНОВ сурат-лаҳзаси